

САМДТУ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КОРОНОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ЮКОРИ НАФАС ЙУЛЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ПАТОГЕН КУЗГАТУВЧИЛАРНИ МИКРОБИОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Балхиев Умиджон¹

Даволаш факултети 3-курс

Худоярова Гавхар²

Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистент

Вахидова Адолат³

Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси б.ф.д.,

доцент

1-2-3 СамДТУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7084408>

Мавзунинг долзарблиги: Хозирги кунда короновирус инфекциясида юкори нафас йулларида учрайдиган патоген кузгатувчилар кенг таркалиши ва инсонларда сурункали касалликлардан бронхит, пневмония купайиб кетаётганлиги кутилмоқда. Окибатда инсонларда вирусли касалликлардан кейин бактериал касалликлар билан касалланиш купайишини статистик маълумотлардан билиш мумкин. Короновирус инфекцияси фонида бир канча бактериал касалликларнинг клиник белгиси узгайиб кетиши кузатилмоқда. Натижада инсонларнинг касалликка карши курашувчанлиги ва рухий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: короновирус инфекцияси, юкори нафас йуллари

Мақсад: Талабаларда юкори нафас йуллари касалликларини аниқлаш мақсадида микробиологик текшириш яъни тамогидан суртма олиш ва бактериал кузгатувчини аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. СамДТУ морфология укув биносидаги микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасига амалий машгулот дарсига келган тиббий профилактика ва даволаш факултетларига карашли 2-курс талабаларидан 23 кишининг тамогидан суртма олиб текшириб кўрдим. Бунда мен хар бир талабадан суртма олиш учун стерил тампонлардан фойдаландим. Талабалардан олинган суртмаларни петри косачаларига солинган ГПА озик мухитига зиг-заг усулида экиб,

37 С 0 термостатга 1 сутка давомида куйилган. Олинган натижани фан укутувчиси билан препарат тайёрлаб, Грамм усулида буяб микроскопда нормал микрофлорадаги ва патоген булган микроорганизмларни аниқладик.

Натижа. Микробиологик текширишларим натижасида тиббий профилактика ва даволаш факултетлари 2-курс талабаларининг 9-тасида стафилококклар, 3- тасида стрептококклар, 7-та талабаларда В-гемолитик стрептококклар аникланди. Талабаларда касаллик белгилари кузатилмади. Аммо касалликни олдини олиш ва даволаш мақсадида шифокорга мурожаат қилишлари мумкинлигини тавсия қилдим.